



05.01.2022 даги

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ ва Болалар куп тармокли тиббиёт маркази ўртасида 89999580,00 сўм умумий
суммага тузилган 01/01-0108 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 054
Шахсий ғазна ҳисобварақ 401321860244017073101054004

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4222000			Жами
Январь	31 680 000,00			31 680 000,00
Февраль	31 680 000,00			31 680 000,00
Март	26 639 580,00			26 639 580,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	89 999 580,00			89 999 580,00

Жами 89999580,00 сўм

Саксон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг беш юз
саксон сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада
тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнанинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши
лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар
кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



Искандаров Шавкат Таджиевич
(имзо) Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

Эгамкулов Алимкул Турдикулович
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

_____ (имзо)

_____ (имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

HUDUDGAZTA'MINOT



HGT AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

ШАРТНОМАСИ

№ 04/01-0108

Гулистон - 2022йил

Юрист хулосаси:

Мен, ушбу шартномани амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юригувчи субъектларнинг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, ушбу шартномада кўрсатилган муносабатлар юқоридаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоб тартиби, газни етказиб бериш ва узиб қўйиш тартиби, тарафларнинг мулккий жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби талабларга мувофиқлигини билдираман. Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

(Ф.И.Ш.) _____

(имзо, муҳр) _____

(сана) _____

2022 йил «5» январдаги 01/01-0102 -сон шартномага ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари РЎЙХАТИ

Фаолият тури: Табъий газдан фойдаланиш шартнома

Кадастр	1	2	1	0	4	0	1	0	3	0	1	2	3	0	0	0	1
---------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Табъий газ тарифи 660 сўм 20 тийин

Т/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар номи		Лойihaвий газ сарфи, м.куб/соат	Газни ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
		АДРБ-11.6	4	1.18	УЛТАРАМАС
		УНОП-40-9	1	0.95	Б-100
		КПН-4	2	1.12	
		КЧМ	1	0.35	
		КВС-200	2	2.2.6	
		Норини-300	2	3.4	
			йил	373502.4	




ТАЪМИНОТЧИДАН

Раҳбар Ж. Хидиров

ИСТЕЪМОЛЧИДАН

Раҳбар М. Абдулқодир (Ф.И.Ш.)



ҳажмлардан ортикча олинган табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созливини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортик ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.8. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоллашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.9. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.10. Ҳисоб-китоб ойдаги етказиб берилган табиий газ ҳажми Таъминотчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТТХНАПга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.11. Шартноманинг 4.10-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Таъминотчи томонидан ҳисоб-китоб оий учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ва унга асосан истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактура юборилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисобга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисобга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактурани юборади.

4.12. Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

- а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
- б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик

йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги;

Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.13. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Таъминотчидан ҳисоб-китоб оий учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Таъминотчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қиладди.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисобга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисобга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактурани юборади.

4.14. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатишган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оий тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Таъминотчи вакилига тақдим қиладди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.15. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Таъминотчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.16. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиладди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17.-бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Таъминотчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмаган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ

ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилувигига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар ва ёки амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан Истеъмолчи учун мажбурий бўлган, бироқ мазкур шартномаданазарда тутилмаган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда;

- Таъминотчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурilmаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда, агар тарафларнинг келишувига мувофиқ шартномада олдидан тўловлар назарда тутилган бўлса;

- Таъминотчининг ва "Ўзнефтугаз инспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда; - ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш макссадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қодаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Таъминотчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Таъминотчи қуйидагиларга мажбур:

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

чекларасида олинади.

3.19. Таъминотчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Таъминотчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичда Таъминотчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Таъминотчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камда 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 30% суммасини Таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришга келишдилар.

4.4. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.5. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадидлар.

4.6. Табий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.7. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдидан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги